

Фаришталар ювинтирган саҳоба

Image not found or type unknown



11:00 / 15.11.2023 4435

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида, ҳижрий 3- санада жарчи ҳаммани Уҳуд ғазотига чорлай бошлади. Ҳанзала розияллоҳу анҳу бу нидони эшитиб, дарҳол қурол-аслаҳаларини олиб, урушга тайёргарлик кўрди. У бу пайтда аёли билан бирга бўлиб, ҳали ғусл қилишга улгурмаган эди. Жарчининг чақириғи янграгач, кеч қолмаслик мақсадида ғусл ҳам қилмай ташқарига отилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошчиликларида Уҳуд жангида иштирок этди. Жангда Ҳанзала розияллоҳу анҳу ўз ўлжасини излаётган оч бургутдек шиддат билан урушарди. Бир пайт кўзи Абу Суфёнга тушиб қолди ва у билан яккама якка олишди. Бир уриб, Абу Суфённи ерга йиқитади. Кейин Шаддод ибн Асвад дарҳол Абу Суфёнга ёрдам беришга келади ва қилич билан зарба бериб, Ҳанзала розияллоҳу анҳуни шаҳид этади.

Уруш якунига етгач, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳидларни бирма-бир кўздан кечираётганларида Ҳанзала розияллоҳу анҳуни кўриб қолдилар ва саҳобаларга “Албатта, Ҳанзалани фаришталар ғусл қилдиришмоқда” дедилар. Кейин Ҳанзала ҳақида сўраш учун унинг аёлига одам юбордилар. Аёли “Эрим жунуб ҳолатда эди. Жарчининг чақириғини эшитгач, ғусл қилмай ташқарига чиқиб кетганди” деб жавоб берди. Буни эшитган Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам “Шунинг учун уни фаришталар ювинтиришаётган эканда” дедилар.

Маълумки, шаҳид бўлган киши ювилмайди, унга жаноза ўқилмайди. Кийимидаги қон билан дафн қилинади. Фаришталар Ҳанзала розияллоҳу анҳуни ювинтиришлари эса у кишидаги жунубликни кетказиш учун эди.

Ривоятларда келишича, Ҳанзала розияллоҳу анҳуни фаришталар кумуш идишда ёмғир суви билан ювинтирган эдилар.

Бу ривоятни Имом Ҳоким, Абу Нуайм “Ҳиля”да, Байҳақий “Сунанул кубро” ва “Далоилун нубувва” да ривоят қилишган.

Кейинчалик Авс ва Ҳазраж қабилалари ўзларидан чиққан қаҳрамонлар билан фахраланишарди. Авс қабиласи вакиллари “Биздан фаришталар ювинтирган Ҳанзала ибн Абу Омир, вафоти сабабли Раҳмоннинг арши титраган Саъд ибн Муоз, арилар ҳимоя қилган Осим ибн Собит, гувоҳлиги икки кишининг гувоҳлигига тенглаштирилган Ҳузайма ибн Собит чиққан” дейишса, Ҳазраж қабиласи вакиллари “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дарвларидаёқ Қуръонни жамлаган тўрт нафар кишилар биздан чиққан. Улар Зайд ибн Собит, Абу Зайд, Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал” дейишарди.

Ҳадис, Сийрат китобларида Ҳанзала розияллоҳу анҳунинг исмлари келса, ёнида “Ғосийлул малааикаҳ” (“Фаришталар ювинтирган киши”) деган изоҳ бирга келтирилади.

Аллоҳ таоло барча саҳобалардан, жумладан, Ҳанзала розияллоҳу анҳудан

рози бўлсин!

**Шайх Шаъровий раҳимаҳуллоҳнинг
«Саҳобалар ва солиҳлар қиссаси» китоби
ва интернет маълумотлари асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли
хулосаси асосида тайёрланди.*